

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 25 декабрь, № 248 (4911)

Жума



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
MILLIY KUTUBXONA PALATASI
INV. №

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексига ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 12 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 77-модданинг:

биринчи қисмидаги **иккинчи жумла** чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юр்தларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун — улар ўн беш ёшга тулгандан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиғи билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади»;

2) 80-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси «ўрта махсус» деган сўزلардан кейин «касб-хунар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) 103-модда иккинчи қисмининг 4-бандидаги «ўрта махсус» ва «ўрта махсус ўқув юр்தларини, хунар-техника билим юр்தларини» деган сўзлар тегишича «ўрта махсус, касб-хунар» ва «ўрта махсус, касб-хунар ўқув юр்தларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 107-модданинг тўртинчи қисми «ўрта махсус» деган сўзлардан кейин «касб-хунар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) 143-модда:
унинчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги «хунар-техника билим юр்தларида, олий ва ўрта махсус» деган сўзлар «олий ва ўрта махсус, касб-хунар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «хунар-техника билим юр்தлари, олий ва ўрта махсус» деган сўзлар «олий ва ўрта махсус, касб-хунар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 149-модданинг тўртинчи хатбошисидаги «253-рақами чиқариб ташлансин»;

7) 242-модданинг биринчи қисмидаги «(таътил даврида ишлаётган ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) 252-модданинг:

биринчи қисмидаги «X (XII) синфда» ва «IX синфда эса саккиз иш кунидан кам бўлмаган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

9) 253-модда чиқариб ташлансин;

10) 254-модданинг:

номидagi «ва ўрта махсус» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

матнидаги «ўрта махсус ўқув юр்தларига кириш учун эса, камида ўн календар кун» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

11) 255-модданинг номи ва матни «ўрта махсус» деган сўзлардан кейин «касб-хунар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12) 257-модданинг биринчи қисмидаги «ва ўрта махсус» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган «**Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида**»ги УРҚ-139-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 1, 1-модда) **20-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

унинчи қисм чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи қисмлар тегишича **унинчи ва тўртинчи қисмлар** деб хосиллансин;

унинчи қисм қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юр்தларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун — улар ўн беш ёшга тулгандан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиғи билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади».

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қуча киради.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 24 декабрь
№ УРҚ-239



ИСТЕЪДОД, ИНТИЛИШ ВА ИЗЛАНИШ

Биз кўзлаган эзгу мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этмокда

Бугун юртимизда ёш авлоднинг етук маънавиятли инсон, юксак иқтидор ва салоҳият соҳиби, чуқур билим ҳамда малакага эга мутахассис бўлиб камол топиши учун беқисс имкониятлар муҳайё қилинмокда. Президентимиз раҳнамолиғида келажагимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилаётганлиги, мамлакатимиз ёшларининг замонавий илм масканларида таълим-тарбия олишлари ва касб-хунар эгаллашлари учун яратиб берилётган шарт-шароитлар бунинг ёрқин мисоллари.

Кувонарлиси, бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ютуқ ва муваффақиятларга эришаётган навқирон ўғил-қизларга ҳар қанча ҳавас қилсанг, арзийди.

Яқинда Тошкент педиатрия тиббиёт институтини қошидаги академик лицей ўқувчиси Дилором Жўраева Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган мактаб ўқувчиларининг 43-Халқаро Менделеев олимпиадасида юртимиз терма жамоаси таркибида иштирок этиб, юқори натижага эришди. Ушбу беллашувда бизнинг ёшлар умумжамоа ҳисобига фахрли ўринлардан бирига сазовор бўлишди.

— Аслида, энг юқори натижани қўлга

киритиш ниятида эдик, — дейди Дилором. — Аммо бундай пайтда пухта тайёргарлик, билим ва ўзингга бўлган ишонч билан бир қаторда, омад ҳам арзийди.

Шижоат

муҳим аҳамиятга эга экан. Барибир хафа эмасмиз, чунки 18 та мамлакат вакиллари орасида кучли жамоалар кўп эди. Демак, биз ҳам келгусида кўзланган мақсадга эришиш учун янада қатъиятли бўлишимиз, катта ютуқларни кўзлаб интилишимиз талаб этилади.

Ўқувчи қиз аҳдида туриб, бугун астойдил изланмокда. У таълим олаётган

лицейда ёшларнинг иқтидор ва қобилиятини намойён этишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Маҳоратли педагоглар кўмағида ёшлар кичик илмий тадқиқотлар устида изланмокдалар, дарсдан ташқари пайтда индивидуал машғулотлар ўтказиб, фан олимпиадалари, илмий анжуманларда қатнашиш учун тайёргарлик қўришаётти. Улар учун ҳар бир янги мавзу юзасидан алоҳида ўқув қўлланмаси яратилади. Интерфол услуларида дарс ўтилиб, мураккаб илмий тажрибалар олиб борилади. Бизнингча, бундай беқисс имкониятлар, қўрсатилётган юксак меҳр, ғамхўрлик уларни фақат изланишга, ютуқлар сари интилиш ва ноёб илмий кашфиётлар яратишга ундайди.

Муборак ОХУНОВА,

«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: Тошкент педиатрия тиббиёт институтини қошидаги академик лицей ўқувчилари.

Ҳасан ПАЙДОЕВ

олган сурат.

КЕЛАЖАККА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Газетамизнинг аввалги сонларида 27 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларнинг аҳамияти ҳамда вилоятларда бу борада давом этаётган қизгин тайёргарлик ишлари хусусида ахборотлар берган эдик. Қуйида Анджион, Қашқадарё, Навоий вилоятларидаги мухбирларимизнинг шу ҳақдаги хабарлари билан танишасиз.

АНДИЖОН вилоятда сайловларни демократик тамойиллар асосида, ошқоралик, холислик ва конституциявий талаблар даражасида ўтказиш билан боғлиқ оммавий-таълимий ишлар қизгин паллага кирди. Мавжуд сайлов участкалари ҳуқуқий адабиётлар, зарур қўлланмалар билан таъминланди.

Вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 4-Наврўз сайлов округининг 44-сайлов участкаси Анджион шаҳридаги банк коллежи биносида жойлашган. Кенг ва ёруғ хоналар эртаю кеч одамлар билан гавжум. Бир гуруҳ сайловчилар газета ҳамда журналлар тахламини кўздан кечирса, яна бир гуруҳи сайлов қўнчилиғига оид адабиётлар билан танишиб, зарур маълумотларни олишмокда.

Участка сайлов комиссияси раиси Азаматжон Қодиров ёш сайловчилар билан суҳбатлашар экан, аввало, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглашга ҳаракат қилади.

— Бу йил биринчи марта сайловларда иштирок этаётган ва ўзим таниган номзод учун овоз бераман, — дейди

КАШҚАДАРЁ вилоятда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 12 та округ тўзилган. Уларда сайловни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан ушқоқлик билан ўтказиш учун барча шароитлар яратилган.

Бизнинг ҳудудимизда 122300 нафар сайловчи рўйхатга олинди, — дейди 123-Насаф округ сайлов комиссияси раиси Ботир Шўқуров. — Қарши шаҳри, Ғузор, Қарши туманларидаги 63 та сайлов участкасида сайловчилар ўзлари маъқул қўрган номзод учун овоз берадилар. Участка сайлов комиссияларида фаолият юритаётган деярли олти юз кишининг аксарияти билимли, тажрибали бўлишга қарамай, уларнинг ҳуқуқий билимларини янада ошириш, сайлов қўнчилигини пухта ўзлаштиришларига эришиш учун махсус ўқув семинарлар ўтказди. Айни дамда барча сайлов участкалари сайловга тахт қилиб қўйилди.

Қарши шаҳридаги «Ўзгеобурғинефтгаз» акциядорлик компанияси биносида жойлашган 30-Мустақиллик сайлов участкасида сайлов рўйхат ҳуқуқлари.

Сайлов участкасида шахримизнинг Мустақиллик, Пактазор-1 маҳалларида истикомат кўлувчи 1732 нафар сайловчи овоз беради, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Баҳриддин Мурдуллоев. — Биз, ўз навбатида, сайлов

чиларнинг овоз бериш ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитларни яратганмиз. Сайлов комиссияси аъзолари маҳаллалардаги барча хонадонларда бўлишиб, улар билан ақидан суҳбатлашмокдалар.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими томонидан ташкил этилган «Мен сайловга тайёрман!» тадбири, айниқса, ёшларга сайлов ҳақидаги қўнчилигини тушуниришда муҳим аҳамият касб этди.

НАВОЙИ вилоятда ҳам ўтказилажак сайловларга қизгин ҳозирлик қилинди.

— Бу йилги сайловлар, айтиш жоизки, мамлакатимиз тараққиёти ва унинг гуллаб-яшнашида муҳим аҳамиятга эга, — дейди Навоий шаҳридаги 14-Меймор сайлов округи комиссияси раиси Файзи Раҳимов. — Чунки юртимиз раванга айланган улар овоз берадиган номзодларга боғлиқлигини сайловчилар аллақачун тушуниб етган.

Шаҳарнинг Маданият ва санъат коллежида жойлашган ушбу округда сайловчиларнинг номзодлар билан учрашувлари мунтазам ташкил этилмокда. Санъат қўнчилигини сўнг ўтказилмайдиган сайловларда рўйхатга олинган қарийб 2700 нафар сайловчи, шу жумладан, 46 нафар ёш йилгит-қиз қатнашиб, ўзларининг сайлаш бўйича конституциявий ҳуқуқларини амалга оширадилар. Бундан ташқари, округ ҳудудида сайлов участкасига келолмайдиган ногиронларнинг ҳам овоз беришлари учун ҳозирданок тайёргарлик ишлари қўриб қўйилган.

О. ШОДНОБИЛОВ,

Б. НОРҚОБИЛОВ,

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ.

САЙЛОВ — 2009

Бугунги сонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакилларининг чиқишлари билан танишасиз.

2-саҳифага қаранг.

Сергей ЛЕБЕДЕВ:

САЙЛОВ ЖАРАЁНИ ҲОЯТ ЮКСАК САВИЯДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда чет эл ва халқаро ташкилотлардан 270 нафардан ортиқ қузатувчи иштирок этади. МДХ Ижроия қўмитаси қузатувчилар миссияси Ўзбекистонда 10 кундан бунён иш олиб бормоқда. Марказий сайлов комиссиясида МДХ Ижроия қўмитаси раиси — МДХ ижроси котиби Сергей Лебедев раҳбарлигидаги қузатувчилар миссияси билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов қузатувчиларни халқаро стандартларга мос миллий сайлов қўнчилиғимизга буюн амалга оширилаётган сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича қилинган ишлар билан таништирди. Сайлов кампанияси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов қўнчилиғи, Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган концепция, уларда белгиланган очкилик ва ошқоралик тамойилларига ўтла амал қилинган ҳолда ўтказилмокда. Сайлов жараёнининг барча иштирокчиларига сайловолди тарбиботини олиб бориш, бу мақсадда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш учун тенг шарт-шароитлар таъминланган.

Бўлиб ўтган суҳбат асосида қузатувчиларга 2009 йилги сайлов кампаниясининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Зеро, бу балги сайлов мавжуд қўнчилиқка киритилган ўзгартиришлар, сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар ҳамда

мамлакат раҳбарияти томонидан давлат ва жамият ривожига сиёсий партияларнинг ролини ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар, фуқароларни овоз бериш вақти ва жойи ҳақида оғохлантириш механизми ҳисобга олинган ҳолда ўтказилмокда.

— Ўзбекистонда демократик сайлов ўтказиш учун кенг қўллами ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлдик, — деди С. Лебедев. — МДХ Ижроия қўмитаси миссияси аввалги парламент сайловида ҳам иштирок этганди. Миллий сайлов қўнчилиғи ўтган давр мобайнида сезиларли даражада тақомиллашган. У фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини тўла кафолатлайди ва энг юксак демократик талабларга жавоб беради. 2009 йилги сайловда иштирок этиш учун кўп сонли чет эллик ва халқаро қузатувчилар ташриф буюрганни бутун дунёда Ўзбекистонга қизиқиш

(Давоми 3-бетда).

Сўз — халқаро қузатувчиларга

ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС

Анатолий КАСЬЯНЕНКО, «Укрдироэнерго» очик акциядорлик жамияти раиси ўринбосари (Украина):

— Ўзбекистон мустақилликка эришган, барча жабуҳаларда, жумладан, иқтисодиёт, ёқилғи-энергетика, сайёҳлик каби соҳаларда улкан ютуқларга эришди. Халқ фаровонлиғи муттасил юксалиб, мамлакатининг илмий халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ошмокда. Бу юртингиз танлаган миллий тарбияёт ёшли ғоят тўғри эканига ёрқин мисолдир. Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида кенг қамровли ишларни амалга оширмокда.

Бундан аввал ҳам Ўзбекистонда ўтказилган сайловларда иштирок этганман. Шунини алоҳида таъкидламоқчиманки, мамлакатининг сайлов жараёни янада тақомиллашиб бормоқда. Юртингизда қонун устуворлиғини таъминлаш, адолатни қарор топтириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ўз самараларини бераёттир.

Бутун дунёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи долзарб муаммолардан бирига айланган. Экологик ҳаракат эса ана шундай муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Бугунги кунда Орол муаммоси

(Давоми 3-бетда).

БИР РАҚАМ
ШАҲРИ

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

2009 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг республика саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуғи ўтган йилнинг шу давридаги 13,1 фоиз ўрнига

14,9 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимиз товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчилари маҳсулотига ички талабни ноинфляцияли рағбатлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар қўрилгани туфайли соҳада ана шундай ижобий натижага эришилди.



(Давоми 3-бетда).

Сергей ЛЕБЕДЕВ:

САЙЛОВ ЖАРАЁНИ ҒОЯТ ЮКСАК САВИЯДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

кучли эканлигидан, унинг халқро нуфузи тобора юксалиб бораётганидан далолат беради. МДХ Ижроия кўмитаси кузатувчилар миссияси фаолиятининг бош таъминоти — ҳолислиқдир. Ўз вазифаларимизни бажаришда мамлакат ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини, миллий анъаналарни эътиборга оламиз. Миссия

вакиллари Тошкент, Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятларида бўлиб, жойларда сайлов комиссиялари иши билан танишиди. Сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди. Умуман, бизнинг фикримизча, сайлов жараёни нафақат марказда, балки вилоятларда ҳам ғоят уюшқоқлик билан, юксак савияда ўтказилмоқда. Бундан ташқари, таъкидлаш кераки, Ўзбекистондаги барқа-

рор иқтисодий ва сиёсий вазият сайловчиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда муҳим омил бўлади. МДХ Ижроия кўмитаси кузатувчилар миссияси ўз фаолияти натижалари бўйича баёнот тайёрлайди ва уни сайловнинг эртаси куни — 28 декабрда эълон қилади.

Анна ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сайловни очкилик ва ошкоралик асосида ўтказиш, сайлов тизимини демократлаштириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилгани, сайловчиларнинг ўз хоши-иродасини эркин билдириш имконияти тўла таъминлангани сайловнинг халқро стандартларга мос ҳолда ўтишидан далолат беради.

Шуни қатъий ишонч билан айтишимиз мумкин, ўтган 18 йил мобайнида мустақил Ўзбекистон барча жаҳонларда улкан ютуқларга эришди. Ҳар келганимда юртингизда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, Тошкентдаги Амир Темур майдони-

нинг таниб бўлмас даражада ўзгарганини кўрдим, унинг гузаллиги мени лол қолдирди. Ушбу жиёбон ўз таровати билан ҳар қандай кишининг эътиборини тортади.

Бардуниас НИКОС, Грециянинг "Кафимерини" молиявий-иқтисодий газетаси етакчи таҳлилчиси, журналист:

— Мамлакатингизга келишдан аввал Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими-га оид ҳужжатларни ўргандим. Бу ерда парламент сайловини ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўлдим. Ҳар бир мамлакат ўзи истаган тарзда сайлов тизимини ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистоннинг мазкур соҳага оид қонун ҳужжатларида халқро андоза-

ларга мос барча зарур жиҳатлар акс этган.

2004 йилда ҳам Ўзбекистон Республикаси парламенти сайловларида кузатувчи сифатида иштирок этганман. Айтишим лозимки, бу галги сайловга тайёргарлик жараёнлари анча такомиллашган.

Ўзбекистонда сайлов жараёнларини кузатиш учун доимо ҳориждан юзлаб мутахассислар тақлиф этилади. Бу эса мамлакатингизда эркин сайлов тизими яратилганидан далолат бериш баробарида, сайлов жараёнларининг очик ва ошқора ўтишини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

ЎЗА мухбирлари
Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА
эътиборда.

2010 йил – Баркамол авлод йили



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг фаоллигини янада ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини рўйбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мазкур йўналишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида ўтказилган "Спорт тилими — 2009" кўрик-танлови ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди. Унда спортчи қизларнинг соҳадаги муваффақиятлари билан бир қаторда, ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги, интеллектуал салоҳияти, ҳаётий

ЎЗБЕК СПОРТИ МАЛИКАЛАРИ

тажрибаси синовдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Ж. Ақромов мамлакатимизда хотин-қизлар мавқеини янада ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг спорт билан шуғулланиши, ўз куч ва иқтидорини намойиш этиши учун кенг шaroит яратишга қаратилаётган эътибор юксак самара бераётганини таъкидлади. Нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган спортчи қизлар сонини тобора ортиб бораётгани бунинг тасдиғидир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Миллий олимпия

кўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган кўрик-танловда институтнинг битирувчи қизлари қўллаб-қувватлаш шартлари бўйича ўз маҳоратини намойиш этиди.

Кўрик-танлов Гран-приси ва "Спорт маликаси — 2009" номига Анастасия Беззубцева лойиқ топилди. Дурдона Қорабоева биринчи, Дилора Сайидхўжаева ва Янна Павлова иккинчи, Юлия Учаева эса учинчи ўринни эгаллади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.
Сарвар ЎРМОНОВ
олган сурат.

Ўзбекистон — Италия:

САЙЁҲЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Италиянинг Казерта шаҳрида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти тақдироти ўтказилди. Унда Казерта шаҳри маъмурияти раҳбарлари, минтақавий кенгаш депутатлари, академик ва ишбилармон доиралар вакиллари, минтақанинг йирик сайёҳлик фирмалари ва агентликлари ҳамда Италия оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбир қатнашчиларига Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, мамлакатда туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, ўзбек халқининг бой маънавий ва маданий мероси, шунингдек, сайёҳ-

лик инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш борасида кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Тақдиротда сўзга чиққан Казерта шаҳри мэрининг сайёҳлик ма-

салалари бўйича ўринбосари А. Жильефоритонинг қайд этишича, Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг тақдироти ва ўзбек халқининг маданияти, тарихи, анъаналари ва меҳмондўстлигини акс эт-

тирган ҳужжатли фильм намойиши, мамлакатнинг сайёҳлик соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш учун етарли имкониятлар мавжудлигидан дарак беради.

Италия туризм соҳаси бошқарувчилар уюшмасининг раиси А. Фангаччионе хоним икки мамлакат ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга катта қизиқиш бил-

дирди. У Ўзбекистонда жаҳон цивилизациясининг бойлиги ҳисобланган ноб ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш борасида улкан ишлар амалга оширилганини алоҳида қайд этди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонга қизиқишининг ортиши нафақат унинг буюк маданияти ва тарихий мероси ҳамда бетакрор табиатга эгалиги, балки мустақиллик йилларида ҳаётнинг барча соҳаларида эришган улкан ютуқлари туфайли ҳамдир, деган умумий хулосага келишди.

«Жаҳон» АА.
Италия

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Йиғилишда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш масаллари, бу борада белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда Интернет тармоғидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, давлат органларида дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва янада ривожлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Йиғилишда мазкур йўналишда тайёрланаётган ҳужжатлар лойиҳалари муҳокама қилинди ва уларнинг ижроси юзасидан вазифалар белгилан олинди.

Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги энг сўнгги янгиликларни ёритиб бориш бўйича бюллетени концепцияси маъқулланди. Мазкур бюллетень 2010 йилнинг январь ойидан бошлаб нашр этилиши кўзда тутилган.

Юртимизда мобил алоқа бозори изчиллик билан тараққий этмоқда. Йиғилиш иштирокчилари мобил алоқа бозори, рақобат даражаси, компанияларнинг ривожланиш ва инвестицияларни жалб этиш режаларини кўриб чиқдилар ҳамда ушбу соҳани янада ривожлантириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Йиғилишда Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2010 йилга мўлжалланган иш режаси лойиҳаси муҳокама қилинди ва тасдиқланди. Баркамол авлод йили муносабати билан қабул қилинадиган Давлат дастурида ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилиши, унда қўйилган вазифаларни мазкур иш режада акс эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА).

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ

КОТЛЫЕ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

КАФЕЛЬ

(облицовочный и напольный)

САНТЕХНИКА

(унитазы, умывальники в большом

ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, 402-69-89, факс 267-35-73.

Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127.

zakamsk-group@mail.ru



«АГРОБАНК» ОАТБ

Ўз акциядорлари, миқозлари ҳамда барча юртдошларимизни кириб келаётган

Янги — 2010 йил

билан сидқидилдан табриклайди!

Янги йилда сизларга соғлиқ, тинчлик ва чилан муваффақиятлар тилайди!

Байрам шарофати билан «Агробанк» ОАТБ сизларга куйидаги янги муддатли ва жамғарма омонат турларини тақлиф этади.

Омонат	Муддати	Фоиз ставкаси	Маблағларни қабул қилишнинг тўхтатилиш муддати	Омонат шартлари
«Янги йил совғаси»	1, 3, 6, 9 ва 12 ойгача	26% жамғарма	20.02.2010 й.	Омонат эгаси маблағ қўйилган кундан сўнг ҳар ойда омонат учун ҳисобланган фоизларни олиш, омонатнинг ҳаракат даври мобайнида қўшимча бадалларни қўшиб бориш ҳуқуқига эга. Қўшимча бадаллар миқдори чегараланмайди.
«Баркамол авлод — 2010»	6 ой	27% муддатли	30.06.2010 й.	Омонат эгаси маблағ қўйилган кундан сўнг ҳар ойда омонат учун ҳисобланган фоизларни олиш ҳуқуқига эга. Ҳисобланган, лекин олинмаган фоизлар омонатнинг асосий суммасига қўшилмайди.
	12 ой	28% муддатли		

«Агробанк» — юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!

Хизматлар лицензияланган.

МАЖБУРИЯТ ВА ИЖРО

туфайли электр энергияси тармоқлари ходимлари объектларнинг барқарор ишлашини таъминламоқдалар

Электр энергияси тармоқларини бежиз иқтисодиётнинг қон томирлари-га менгашмайди. Негаки, бирор қорхона ёки ташкилот, идора ёки муас-саса фаолиятини, шаҳар ёки қишлоқ хонадонларидаги ҳаётни электр қувватисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда электр энергияси таъминотидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, истеъмолчиларга узлуksиз равишда ва сифатли хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратишда. Айниқса, қиш мавсумида электр тармоқ-ларининг барқарор ишлашини таъминлаш учун барча чора-тадбирлар амалга оширилади.

дастури бўйича вилоятда 653,4 километрик ҳаво тармоқлари, 223 та трансформатор тўлиқ таъмирла-ниб, белгиланган вази-фалар муддатидан олдин адо этилди.

— Тармоқни куз-қиш мавсумига тайёрлаш учун режа асосида модерниза-циялаш ва таъмирлаш иш-ларини бажардик, — дейди мажбурият компаниянинг иш-лаб чиқариш бўлими бош-лиги Ҳазратқул Муродов. — Хусусан, 100 дан зиёд трансформаторлар янги-си-га алмаштирилди. Ҳаво тар-моқлари таъмирланиб, ша-ҳар ва туманлардаги кичик станциялар шай ҳолатга келтирилди.

Маълумки, ҳозирги кунда «Қишлоққури-лиш лойиҳа» институтининг намунавий лойиҳалари асо-сида қишлоқ жойларида за-монавий уй-жойлар бунёд этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Сирдарё вило-ياتида ҳам ушбу йўналишда дастур ишлаб чиқилиб, у изчил ижро этилмоқда. Дастурга кўра, янги уй-жойларни электр энергия-си билан таъминлаш мақ-садида 387,1 миллион сўм маблағ сарфлаш режалаш-тирилган. Ҳозир жойларда амалга оширилган тад-бирлар бу вази-фанинг тўлиқ уқдаланишидан дало-лат бераётди.

Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 23 июн-даги «Республика иқтисоди-ёти тармоқларини 2009/2010 йиллар куз-қиш дав-рида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғриси-да»ги қарори бу борада дастуриламал вази-фанини уқамолда. «Сирдарё электр тар-моқлари» очик акциядорлик компанияси ходимлари ҳам қиш мавсу-мига пухта тайёргарлик кўришди. Жумладан, жорий йилда электр тармоқлари-ни мукамал ва жорий таъ-мирлаш, янги насос стан-циялари қуриш, чет эл ин-вестициялари киритилаёт-ган йирик қувватли қўша-корхоналарни электр энер-гияси билан таъминлашни яхшилаш мақсадида қарий-бир миллиард сўм маблағ-йўналтирилди. Шунингдек, «Қишлоқ тараққиёти ва фар-овонлиги йили» Давлат

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясидан маълум қилинишича, ўтган даврда республикамиз энер-гетика тизимини яхшироқ ҳолга келтириш, яъни барча мин-тақаларда электр таъминотини яхшилаш бўйича муай-ян ишлар қилинган. Бундан ташқари, жорий йил охири-гача «Ғузор» ва «Сурхон» кичик станциялари йўналиши бўйича Сурхондарё вилоятга электр энергиясини бе-восита етказиб берадиган 500 киловаттлик электр узат-тиш линияси қурилиши низоҳасига етказилиб, фойдала-нишга топширилди. Буларнинг бари тизимнинг ишонч-ли ва узлуksиз фаолият кўрсатишини таъминлайдики, бу пировардида истеъмолчиларга электр энергиясини узлуksиз етказиб беришга хизмат қилади.

Шоҳмурод ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади. Ислон КАРИМОВ.

Водичиларнинг кезгачанда...

Яёв

Яккабоғ туманидаги Эсат қишлоқ-ида «Шарофат она Қахра-мон қизи» фермер хўжалиги буюртмасига кўра, аҳолига хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилди. Унинг кўп қаватли замонавий биноси меъморий ечими билан ҳаммани ҳайратга солмоқда. Гўзаллик салони, келин кўйлақлари ижараси, дорихона каби хизмат турлари пайдо бўлганидан эса кўпчилик хурсанд. Ҳаммасидан ҳам бугун-ги кунда қишлоқнинг хуснига-хусн қўшган ана шу қошонада миҳозлар гавжум эканлигини айтмайсизми!

СЕРВИС СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

фоизи ташкил этган бўлса, ялпи ҳудудий маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳаси-нинг ҳиссаси 30,3 фоизга етди.

тижада замонавий хизмат турлари жорий қилиниб, шу асосда аҳолининг бандлик даражаси оширилмоқда.

ательеси 57 тага, сартарош-хоналар 64 тага, пойабзал таъмирлаш устаконалари 29 тага, суратхоналар 19 тага кўпайди.

Қарор ва ижро

Қурилиб турибдики, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси билан шуғулланаёт-ган тадбиркорлар ҳар томон-лама қўлаб-қуватланмоқда. Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга-ча бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси-ни ривожлантиришни жадал-лаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда. На-

берилган имтиёзларнинг са-марасини жорий йилнинг ўтган даврида эришилган на-тижалар ҳам яққол исботлаб турибди. Жумладан, тўққиз ой мобайнида 43 та савдо дўконини ишга тушириш ре-жалаштирилган бўлса, амал-да бу кўрсаткич 298 тани ташкил этди, 134 та ўрнига 320 та маишчи хизмат кўрса-ти шохобчаси фойдала-нишга топширилди. Модалар

Вилоятда хизмат кўрса-тишнинг аънавий турлари-дан ташқари, уй-жой қуриш, сугурталаш, соғлиқни сақ-лаш, туризм ва дам олишни ташкил қилиш, уй хўжалиги-ни юритиш, зооветеринария каби янги соҳаларни ривож-лантиришга ҳам алоҳида эътибор берилаётди. Булар, табиийки, иқтисодиётимиз-нинг барқарор ривожлани-шига хизмат қилаётди.

Бўри НОҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАРАҚҚИЁТ КЎЗГУСИ

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доира-сида жорий йилда:

- **ризқ-рўзимиз ман-баи бўлган ер унум-дорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 81 мил-лиард сўм маблағ сарф-ланиб, 10 минг кило-метрдан ортик зовур-лар, салкам 1000 ки-лометрлик дренаж тармоқларини таъ-мирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди;**
- **кўплаб сув иншоот-лари реконструкция қилинди;**
- **50 километр узун-ликдаги янги канал-лар ва бошқа объект-лар қурилиши якун-ланди;**
- **қишлоқларимизни энергетика ресурслари билан узлуksиз ва ка-фолатли таъминлаш учун 16 миллиард сўмдан зиёд маблағ ҳисобидан узунлиги 2 минг 700 километр-дан кўпроқ табиий газ қувурлари реконструк-ция қилиниб, капитал таъмирланди;**
- **қишлоқ жойларда янги йўллар қуриш ва мавжудларини кен-гайтириш учун қарий 100 миллиард сўм маблағ сарфланди.**

ҚЎРФОНТЕПАННИНГ ГЎЗАЛ ГУЗАРЛАРИ

— Жорий йилнинг тўққиз ойида Андижон вилояти бўйича 446,3 минг квадрат метр тураржой бинолари барпо этилиб, уларнинг қўлида ховли тўйлари ўтказилди. 57,5 километр масофага қувур тортилиб, қанчадан-қанча хонадонларга табиий газ кириб борди. Яқинда эса 144 километрлик қувур ётқизирилиб, маҳаллаларга тоза ичимлик суви етказиб берилди.

— Буларнинг бари маъмурчиликдан, тинч-фаровонликдан, болаларим, — шук-роналик келтирди «Қўрғонтепа» маҳал-ла фуқаролар йиғини раиси Мухаммад-жон ака Юсупов. — Мамлакатимиз раҳ-барни қаерда бўлмасин, юртининг ободли-ги, одамларнинг турмуш фаровонлиги ҳу-сусида гапираятилар. Йўл-йўриқ кўрса-таяптилар.

Мана, кунги кеча туманимизнинг энг олис Чимён қишлоғидаги Суткон ва Ол-тинсой маҳаллаларига ҳам газ қувурла-ри тортилди. Дардоқ, Дўстлик қишлоқ-ларининг янги маҳаллаларида «зангори олов» ёна бошлади. Оқсоқол ва унинг қишлоқдошлари кўнглини тоғдай кўтарган, қалбларида

Инфратузилма

нинг хар бир маҳалласида учратиш мумкин. Чунинчи, жорий йилнинг ўтган даврида 449 оила янги уйларга қўчиб ўтди. Асосан, пишиқ гишдан қурилган, 4-5 хонали, ёнида ошхонаси, мол-қўй парваришлишга мўлжалланган иморати мавжуд бўлган мазкур тураржойларни қуриш учун 4 миллиард 210 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Жараён

лида янги босқичга кўтарил-ди. Жумладан, қорхонамиз томонидан Давлат дастури-да белгиланган вази-фалар-нинг ижросини таъминлаш мақсадида 14 та аҳоли

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йи-лида, шунингдек, ички йўлларни таъмир-лаш, янги маҳаллаларнинг кўчаларига ша-ғал ётқизиш, асфальтлашга эътибор қарати-лди, кенг қамровли ободонлаштириш иш-лари амалга оширилди. 256 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари ба-жарилган, 6,8 километр масофадаги қишлоқ кўчалари таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Шу йўллардан айни дамда «Қўрғонтепа — Деҳқончек — Дардоқ» йўна-лиши бўйлаб «Исузу» автобуслари қат-нови йўлга қўйилди.

Дарвоқе, бугун қўрғонтепалликлар кўплаб ҳаётинг эҳтиёжларини қондириш учун шаҳарга ёки туман марказига қат-наш ташвишдан қутулишди. Эндиликда ҳар бир қишлоқнинг ўнга яқин сервис хиз-мати кўрсатувчи шохобчасини ўзида жам-лаган гузарлари бор. Жорий йилда улар сони яна 56 тага ортди. Жумладан, 5 та сартарошхона, гўзаллик салони, ихчам тил-куччилик цехлари ва устаконалар ташкил этилдики, уларда касб-хунар коллеж-ларини тамомлаган юзлаб ёшлар меҳнат қилишмоқда.

Одилжон ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОБИҲАЁТДАН ОБОД ОВУЛЛАР

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасидаги қишлоқ ва овулларда истиқомат қиладиган савқиз юз минг нафардан зиёд аҳолининг қарий ярми ичимлик сувини марказлашган тармоқлар орқали истеъмол қилмоқда.

Олис овулларга тоза ичимлик суви етказиб беришдек савобли ишни амалга ошириб келаётган-лар орасида «Қорақалпоқ қишлоқ хўжалик сув тармоқ-лари» қорхонаси жамоаси ҳам бор. Ҳозирги кунда бу қорхона тасарруфидаги 15 та ер ости чўчқ сувини тўпловчи қурилма, ҳар бири кунига 100 кубометр шўр сувини тозаловчи 231 та «Эко» ускунаси мунтазам ишлаб турибди.

— Мамлакатимизда бе-восита Президентимиз раҳ-намолигида амалга ошири-лаётган ислохотлар натижа-сида барча жабҳаларда ул-кан ижобий ўзгаришларга эришилди, — дейди қор-

хона раҳбари Рўзимбой Се-итов. — Бу борадаги иш-лар, айниқса, Қишлоқ тарақ-қиёти ва фаровонлиги йи-

пунктида 22 километрлик сув тармоқлари реконструк-ция қилинди, 12 та қудуқ қазилиб, 4 таси қайтадан ишга туширилди, 18 та янги сув насоси ўрнатилди. Қорхона жамоаси, шунингдек, яқинда Осий Та-раққиёт банкнинг молиявий кўмағида Беруний ва Кегай-ли туманларида ҳам бир қанча ишлари бажарилди. Яъни, банк маблағлари эва-зига Беруний туманида ик-кита станция қурилиб, 86,1 километрлик сув тармоқлари

бунёд этилди. Натижада ту-мандаги Навоий, Бобур, Лолазор, Гулистон, Шобооз, Қарвон сингари қишлоқ ва овуллар аҳолисининг тоза ичимлик суви билан баҳраманд бўлиш имконияти яратилди.

Қорақалпоғистонда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича 2010 — 2020 йилларга мўл-жалланган дастур ишлаб чи-қилган бўлиб, бу келгусида ичимлик суви таъминоти ҳамда қишлоқ ва овуллар аҳолисининг турмуш дара-жаси янада яхшилланишига хизмат қилади.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЕР — ЭЪЗОЗЛАГАННИКИ!



«Ҳосилот-Фарҳод-Барақа» фермер хўжалигида кейинги йил-ларда пахта ҳосилдорлиги 15-20 центнердан, галла эса 20-30 центнердан ошмай қолди. Бу кўрсаткич Пахтачи туманидаги ўртача ҳосилдорликдан ҳам паст экани унинг раҳбари Фарҳод Мирзаевни ташвишга солса-да, вазиет осонликча ўзгармади: фидойи меҳнат ҳам, маблағ ҳам самара беради. Сабаби, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати бутунлай издан чиққан эди.

— Шундай бир пайтда Президентимиз-нинг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини ях-шилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниши нур устига аъло нур бўлди, — дейди фермер. — Мазкур ҳужжат талаб-ларини ижро этиш натижасида ерларимиз-нинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Чунки ички зовурлар қазилиб, ер ости сизот сувлари сатхи пасайтирилди. Пировар-дида ўтган йили пахта-чиликда гектар ҳосилдорлиги 30 центнер-дан ошди. Бу йил эса ҳар гектар майдон-дан 63 центнердан галла ҳосили йиғишти-риб олинди, унинг 110 тоннасини давлатга сотдик.

наж тармоқларида таъмирлаш-тиклаш иш-лари бажарилиши ҳисобига 16 минг 991 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхши-ланди, — дейди вилоят гидрогеология-мелиоратив экспедицияси бошлиғи Фафур Қосимов. — Шу мақсадда давлатимиз ха-зинасидан 1,7 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. Айни кун-ларда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом этти-риляпти. Мисол учун, Каттакўрғон, Нарпай, Пастдарғом, Пайарик,

Мелиорация

Иштихон, Жомбой ва бошқа туманларда жорий йилда 24 та таъмирлаш-тиклаш ва 10 та реконструкциялаш лойиҳасига муювфиқ, 2,8 миллиард сўмлик иш адо эти-лиши режалаштирилган. Ана шу юмушлар эндиликда тўртта иштирослаштирилган дав-лат унитар қорхонаси жамоалари томони-дан амалга ошириляпти. Ерни эъзозлагани эл эъзозлайди, дейишади. Самарқанд вилоятида ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилланиши ҳосилдор-ликнинг ошишига, деҳқонлар турмуши яна-да фаровонлашишига хизмат қилаётган экан, аслида, бу мелиораторлар ва шу со-ҳага дахлдор мутахассислар меҳнатининг натижаси эканлигини ҳисобга олсак, улар бундай эъзозга лойиқдирлар.

Абдурусул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик вазирлиги Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 32001 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Давонохона 233-52-55;
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлёзмалар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан сўхфалаанд.

Т—Тахрирот материалли

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусахҳач — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА Якуни — 21.45 Топширилди — 01.30